Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
27 апрель
ЧОРШАНБА

№ 33
(12.357)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

**БУГУННИНГ ГАПИ**



**Пискент тумани фермерлари даласида чигит қийғос униб чиққан ғўза ниҳолларига биринчи ишлов бериш қизғин бораяпти. Айниқса, "Ҳожиев Довудбек" хўжалигида кўчат бут, дуркун.**

**Бунинг боиси бор, албатта. 70 гектар пахта майдонининг 60 гектарига Ан-Боёвут ғўза нави чигити қўшқаторлаб экилди. Уруғлик айни вақтида қадалгани учун тўлиқ ва текис униб чиқди.**

## ҚЎШҚАТОР ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИ

– Қўшқатор усулининг ўзига хос афзалликлари бор, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Сайёра Ҳожиева. – Ҳосил тупдан олинади дейишади тажрибали кекса пахтакорлар. Қўшқаторда гектарига ўртача 170 минг туп кўчат олинади, одатдаги усулда эса 100 минг атрофида бўлади. Демак, умумий ҳосилдан ютиш ҳисобига шартномани бемалол бажариш имкони туғилади. Буёғи фермернинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Агротехник ишловларни оби-тобида ўтказса, ғўзани вақтида озуқага тўйдириб, сувга қондирса, мўл ҳосил, албатта, кафолатланади.

Фермер айни кунларда ўзининг шу фикрларига қатъий амал қилаяпти. Иккита МТЗ-80 тракторида ғўза қатор оралари юмшатилмоқда. Хўжаликнинг 22 аъзоси майдонларни бегона ўт босишининг олдини олишга шай бўлиб турибди. Улар гектарларда кўчат меъёрида бўлиши учун фурсати келиши билан ниҳолларни яганалашни мўлжаллашяпти.

**СУРАТЛАРДА:** фермер Сайёра Ҳожиева (ўнгда); механизатор Латиф Маҳмудов ва Дўнгқўрғон ҚФЙ раиси Зарафшон Рашидов иш сифатини кўздан кечирмоқдалар.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

**ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ**

## НАТИЖАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Вилоят фаолларининг 2011 йил биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва йилнинг энг муҳим устувор вазифалари ижросини сўзсиз таъминлаш чоратадбирларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими Р. Холматов бошқарди.**

Қайд этилганидек, йил бошида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси натижасида биринчи чоракда вилоятда макроиқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,4 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 23,8, қурилиш ишлари 57,2, пулли хизматлар 14,6, экспорт 18,8 фоизга ўсди.

Фаоллар йиғилиши "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, дастур доирасида мазкур тармоқни жадал ривожлантириш учун барча манбалар ҳисобидан 145 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 2010 йил ҳисобот даврига нисбатан 262 тага кўпайгани, тармоққа йўналтирилган кредитлар ҳажми эса қарийб 64 миллиард сўмга етгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида фаол инвестицион сиёсатни давом эттириш натижасида вилоятда 68,6 миллиард сўмлик ҳамда 9,7 миллион АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиб, 30 та янги корхона ишга туширилди, 19 та корхона модернизация қилинди.

Йиғилишда ҳудудий бандлик дастурининг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, ўтган уч ой мобайнида жойларда 18,7 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилгани, унинг аксарият қисми – 9,4 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келаётганига урғу берилди. Шунингдек, коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, бу борада вилоятдаги йирик салоҳиятли корхоналар қатори кичик бизнес субъектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Айни пайтда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим соҳаларда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани таъкидланиб, уларни бартараф этиш йўллари ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Ганиев иштирок этди.

**Гайрат ШЕРАЛИЕВ.**

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузалари жамиятимизни демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Энг муҳими, маърузада ҳар қандай жамият тараққиётининг асосий омили бўлган миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ғоят қимматли концептуал қарашлар ҳамда соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қонунчилик таклифлари баён этилган.**

Юртбошимизнинг бу борадаги таклиф ва тавсиялари Концепциянинг "Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" деб номланган бўлимида ўз аксини топган.

Мазкур бўлимнинг номланишиёқ иқтисодий тараққиётимиз кейинги босқичининг энг асосий хусусияти ҳақида тасаввур беради. Бундаги "демократик" ва "либераллаштириш" тушунчалари иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади – эркин бозор иқтисодиёти эканлигига ишора қилмоқда. Бу мақсадга эса муносиб ҳуқуқий асосларни яратмасдан эришиб бўлмайди.

Эътироф этиш керак, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти асослари, хусусан қонунчилик базасини шакллантиришга юксак эътибор қаратилди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва жиҳатларини қамраб олиб тартибга солувчи мавжуд қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бунга мисол бўлади. Концепцияда таъкидланганидек, қабул қилинган 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш учун ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Лекин мавжуд вазият таҳлиллари демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Концепцияда мазкур йўналиш бўйича айни пайтда долзарб бўлган таклифлар берилган.

Энг аввало, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш ва тегишли кафолатлар тизимини яратиш, шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

**Чирчиқ шаҳрида Тошкент ҳарбий округи "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Намунали ҳарбий оила" кўрик-танловини ташкил этди.**

## САҲНАДАГИ БИР КУНЛИК ЖАНГ

Гарнизон офицерлар уйида ўтказилган мусобақада ҳарбий қисмлардан танлаб олинган энг намунали оилалар баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш, зукколик ва дунёқарашлари бўйича билим ва маҳоратларини синаб кўришди.

Танлов натижаларига кўра, фахрли ўринларни эгаллаган учта энг намунали оилаларга ташкилотчи ва ҳамкорларнинг совғалари топширилди.

**Саид АСҚАРОВ.**

## «НИҲОЛ» ТОМОН ДАСТЛАБКИ ОДИМ

**Бўстонлиқ тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамда маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида туман марказий маданият саройида "Ниҳол" мукофотининг туман саралаш босқичи ўтказилди.**

Кўрик-танлов якунларига кўра, туман саралаш босқичида рақс йўналишида ғолибликни қўлга киритган Ғазалкент иқтисодиёт коллежи талабаси Рамида Абдуллаева ҳамда эстрада қўшиқчилиги йўналиши бўйича боғистонлик Муҳиддин Мирсаваров "Ниҳол" мукофотининг вилоят ҳудудий босқичига йўлланма олдилар.

Ғолибларга туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Чарос ПЎЛАТОВА.**

**Шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтиши кутилмоқда. Зеро, аҳолининг ижтимоий фаоллиги, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бормоқда, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялашни янада чуқурлаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлашмоқда. Шу билан бирга, Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да энг муҳим устувор вазифалар сифатида белгиланган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти жиҳатидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз.**

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Маълумки, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида ушбу сайлов демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилиши белгиланган бўлиб, фуқароларнинг маҳаллий бошқарув органларини демократик шакллантириш жараёнида бевосита қатнашишларини кафолатлайди. Хусусан, мазкур жараённинг демократизм тамойили асосида ўтказилиши сайловнинг барча босқичларида фуқароларнинг бевосита иштирок этишини англатади. Жумладан, Қонуннинг 9-моддасига кўра, тегишли ҳудудда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фуқаролар томонидан бевосита шакллантирилган давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан тузилади. Шунингдек, Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ бевосита фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан тузилади. Бундан ташқари, демократизм тамойили фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистонда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни очиқ ва ошкора амалга ошириш муҳим шарт ҳисобланади. Ошкоралик натижасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлар, овоз бериш якунлари ҳақида фуқаролар маълумотга эга бўлишади. Ахборотга тўла эга фуқаролар йиғини иштирокчилари овози эса сайлов натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Зеро, маҳалла ривожи, кўп жиҳатдан оқсоқол ва унинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ким бўлишига боғлиқ. Бу вазифаларга кўрсатилган номзодлар ичидан энг муносиб, ҳурматли, ишга ҳалол муносабатда бўладиган, катта ҳаётий тажрибага, одамлар билан ишлаш ва мулоқот қилиш кўникмаларига эга фуқароларни сайлаш масъулиятли ишдир. Эътиборли жиҳати шундаки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши керак. Қонуннинг 15-моддасига кўра, суд муомалага лаёқатсиз деб топган шахслар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Сайловни ўтказишнинг асосий тамойилларидан бири фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга эканлиги, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш талаблари барчага бир хилда жорий этилиши, ҳамма учун бир хил ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилишидир. Жумладан, тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизда белгиланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг асосий тамойилларига риоя қилиш аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, кўрсатилган номзодларнинг фаолиятини баҳолашга, мамлакатни модернизациялашни янада чуқурлаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг жойлардаги ижросига талабчанлиги ва эътибори тобора ортиб боришига катта ҳисса қўшади.

**Нуриддин НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори.**

## ҚИШЛОҚ КЎРКИ

**Оққўрғон туманидаги Султонобод фермерлар уюшмасида 350 кишига мўлжалланган янги замонавий тўйхона фойдаланишга топширилди.**

Барча қулайликларга эга муҳташам бино қишлоқ кўркига кўрк қўшди. Энди қишлоқ аҳолиси тўю тантаналарни шу ерда ўтказиш имкониятига эга бўлди.

## ХИЗМАТНИНГ БАРЧА ТУРИ МАВЖУД

**Чирчиқ шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тегишли давлат хизмати кўрсатишни таъминлаш мақсадида "Ягона ойна" марказининг интерфаол хизматлари йўлга қўйилди.**

Унда ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хўжалиги ва ер мулки муносабатлари бўлимлари ташкил этилиб, ходимлар шу йўналишлар бўйича аҳолига хизмат кўрсатишга киришдилар.

**Шохруҳ ҲАКИМОВ.**

## СОҒЛОМ БЎЛИШ ЯХШИ-ДА!

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари билан бирга Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлишди.**

"Соғлом бўлайлик, ОИТСга қарши курашда кучларни бирлаштирайлик" мавзусида ташкил этилган маърифий давра суҳбатида ушбу иллатдан сақланиш ва унга қарши курашда тушунтириш-тарғибот ишларининг аҳамияти муҳокама этилди.

Тадбир доирасида коллежнинг 100 дан зиёд талабалари тиббий кўрикдан ўтказилиб, лозим топилганларга доридармон ва санитария-ораставлик воситалари тарқатилди.

**Дилшод ОТАБОЕВ.**

## *КОЛЛЕЖ ЭШИГИ ҲАММАГА ОЧИҚ*

**Бўстонлиқ туманидаги касб-ҳунар коллежларида мактабларнинг 9-синф битирувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари учун "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилди.**

9-синф битирувчилари синф раҳбарлари, руҳшунослар, тарғибот-ташвиқот ишларига масъуллар иштирокида таълим муассасаларида бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароитлар, йўналишлар билан танишдилар.

Тадбирларда Товоқсой қўрғонидаги 12-, Қораманас қишлоғидаги 53-, Думалоқ қишлоғидаги 26-, 27-, Ғазалкент шаҳридаги 2-, 3-мактаблар, айниқса, фаол иштирок этди.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**

Пискент туманидаги Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида "Ёш сиёсатчилар" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

## *ЗУЛХУМОР – ЁШ СИЁСАТЧИ*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этган тадбирда тумандаги ҳар бир коллеждан биттадан иштирокчи қатнашди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, Маиший хизмат ва тадбиркорлик коллежи ахборот-ресурс маркази мутахассиси Зулхумор Мамадалиева ғолиб деб топилди ва кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма берилди.

**Шотурсун ХАЛИЛОВ.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳимлигига урғу берилган.

Мамлакатимизда мукаммал ҳуқуқий кафолатлар яратиб берилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тўлақонли ривожланиши кўп жиҳатдан ўз бизнесини бошлаётган ёки маълум тажрибага эга юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига ҳам боғлиқ. Лекин энг асосийси, мавжуд қонунларнинг "ишлаши", барчанинг қонун олдида тенглик тамойили ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Концепцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик реал иқтисодиётимизда, аввалambор саноатда етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳririни тайёрлаш зарурлиги таъкидланган. Бу таклиф амалга татбиқ этилса, ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш таъминланиши натижасида молия ва статистика ҳисоботлари тизими янада соддалашади.

Яқинда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш, фаолият кўрсатаётганларини ривожлантиришга йўналтирилган қатор масалаларнинг ечими ўз ифодасини топган, албатта.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун ҳар томонлама қулай шароит ва ҳуқуқий муҳит таъминлаб берилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, одамларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш депутат ва сенаторларга, қолаверса қонун ташаббускорлик ваколатига эга мутасадди тузилмалар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Президентимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу концепцияда илгари сурилган қонунчилик борасидаги қимматли таклиф ва тавсиялар амалга жорий этилса, кўзланган мақсадларга эришишимиз, тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишимиз янада осонлашишига ишончим комил.

**Александр ФАРМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари бўйича қўмитаси аъзоси, "Олмалиқ ТМК" ОАЖ бош директори.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




# ҒОЛИБАЛИК ЎРНИНИНГ СОВҒАСИ ҲАМ НАҚД

**Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси туман бўлими ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсий етакчиларни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсади кўзланган танловда Миллий тикланиш партиясининг 20 ёшдан юқори бўлган аъзолари иштирок этмоқда. Танлов шартларини маҳорат билан бажара олган, ҳар томонлама саводхон иштирокчилардан бири – Ўзбекистон Миллий университети магистранти Саида Тошхўжаева ғолибликка муносиб деб топилди. 2- ва 3-ўринларни эгаллаган 56-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Назокат Иброҳимова, 67-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Маъмура Муродовага рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Ғолиб Саида Тошхўжаева энди танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

**Саида РАҲМОНОВА. Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Олмалиқ шаҳрида оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли онгига сингдириш мақсадида шаҳар ҳокимиятида "Ҳуқуқий саводхонлик ҳафталиги"га бағишланган семинар ўтказилди.**

# ҚОНУННИ ЯХШИ БИЛГАН ҲЕЧ ҚАЧОН АЛДАНМАЙДИ

Унда вилоят маънавият тарғибот маркази, оила маркази, "Маҳалла" жамғармаси раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Техника тараққиёти ҳамда ғоявий таҳдидлар суръати кузатилаётган ҳозирги даврда хотин-қизлар, айниқса, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, одам савдоси каби иллатларнинг олдини олиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида маҳалла, ўқув-таълим муассасалари ҳамда диний тарғибот марказларида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш режалаштирилди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА.**

**НИГОҲ**

# ТОЖИКИСТОН – ГИЁҲВАНДЛИК ТАҲДИДИ МАРКАЗИ

**Тожикистон томонидан гиёҳвандлик экспансияси таҳдид солаётгани мавзуси қанчалик кўп кўтарилса, гиёҳвандлик моддаларни етказиб бериш ҳам шунчалик кўпайиб бораяпти. Тожикистон ҳукуматининг вазиятни ўз назорати остига олишга уриниши ҳам худди шундай аҳволда. Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш агентлигини тузишди. Аммо, 2006 йилдан буёғига транзит икки баравар кўпайди. Агар ўтган ўн йилликнинг охирида ва бу ўн йилликнинг бошида афғон героинининг автомобиль ва темир йўл транспортидаги Қирғизистон ва Қозоғистон орқали транзити ҳақида гап борган бўлса, ҳозир Тожикистон – Хитой чегарасида янги назорат-ўтиш пункти очилгани муносабати билан наркотик моддаларни Урал ва Сибирга етказиб бериш одатий иш бўлиб қолди.**

Расмий Душанбе Афғонистон билан 1344 километрга чўзилган чегара ниҳоятда узунлиги ва табиий манзаралар мураккаблигини рўкач қилаяпти. Балки, жаҳон ҳамжамияти қачонлардир Тожикистон ҳукуматига ишонар ва Буюк тожик-афғон деворини қуриш учун пул берар. Аммо, ҳозирча, муаммонинг энг устувор жиҳати эътиборга олинаяпти. У шундан иборатки, бевосита чегаранинг ўзида назорат қилишдан ташқари бошқа омил ҳам, яъни гиёҳвандлик моддаларининг Тожикистон ҳудуди бўйлаб ҳаракат қилиши, пойтахтга етиб келиши ва кейин бу ердан поезд ва самолётлар орқали Россияга жўнатилиши масалалари ҳам бор. Ҳукумат кўплаб халқаро ташкилотларга (Тожикистон ҳам улар қаторига киради) гиёҳвандлик моддалари нима учун республика ҳудуди орқали ҳеч қандай тўсиқсиз ташиб ўтилаётганини тушунтиролмайди.

Бу масалада лом-мим дейилмаётгани коррупция ва наркотрафикка аралашган мансабдорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳақидаги статистика чала-ярим қолаётганига сабаб бўлаяпти. Тўғри, ора-чора улар жамоатчиликка ошкор қилиб турилиб-ди. 2006 йилдан буён 150 мансабдор шахс, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура ва ҳукумат вакиллари героинни ташиш чоғида ушланди. Ҳатто, ҳавфсизлик хизмати офицерлари ҳам кўлга тушганлар. Суръат ўсиб бораяпти. Мингни сарфлаб, жуда қисқа вақтда ўн мингга эга бўлиш бизнеси гуллаб яшнаяпти. Бундай бебилиска даромад чоғида ахлоқий-жиноий жиҳат бевосита аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва қонунларга бўйсуниш борасидаги ғоявий етуклигига боғлиқ бўлади. Аллақачон иқтисодий ночорлик ва саводсизларча бошқарув чуқурига қулаб бораётган, одамлари навбатдаги урушни кутиб, бугунги куни билан яшаётган Тожикистонда эса бундай жиҳатлар йўқ, албатта.

Республиканинг муаммолари эътиборга олинаяпти. Мамлакатлар ёрдам бераяпти. Чегара кўшинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ҳарбий ва божхона ходимларини тайёрлашга молиявий жиҳатдан кўмаклашиляпти. Ҳатто, АҚШнинг ёрдами билан республика чегарачилари учун институт қурилаяпти. Хуллас, ҳамма ёрдам кўрсатаяпти. Бироқ, гиёҳванд моддалар оқими пасаймаяпти. Ҳукумат четдан олинаётган пулларни сарфлаб бўлиб, яна афғон толибонларини рўкач қилаяпти. Тожикистоннинг тегишли органлари саъй-ҳаракатларига қарамай, афғон жангарилари катта майдонларда кўкнори ва бошқа экинлардан олинган гиёҳвандлик моддаларини жиддий муаммоларсиз республика орқали жўнатмоқдалар.

Москва транспорти ички ишлар бошқармасидагиларнинг ишончлари комилки, Тожикистонда героинни юқори даражада қадоқлайдиган ва сифатини анча яхшилайдиган яширин лабораторияларнинг иши йўлга қўйилган. Бошқарма бошлиғи Андрей Степановнинг айтишича, Тожикистон героинларини Москва бозорига оммавий чиқариш имконини бераётган омил шуки, бу республикада "яшил ажал"ни ишлаб чиқарадиган махфий лабораториялар пайдо бўлган. Тожикистон наркобизнеси саноат асосига ўтмоқда, контейнерлар махфий лабораторияларга яширилган. Бундай "ўсиш" героин таннархини анча арзонлаштирди ва наркомафияга маҳсулот айланмасини уч баравар ошириш имконини берди. Фақат 2010 йилнинг ўзида Москва транспорти ички ишлар бошқармаси агентлари 1462 марта наркокурьерларни қўлга тушириб, 200 килограммдан кўпроқ героинни олиб қўйдилар.

Давлат тузилмаларининг ушбу бизнесга қўшилиб кетгани ҳамда республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида коррупциянинг гуллаб-яшнаб бораётгани ҳам Тожикистон орқали тарқалаётган гиёҳвандлик моддалар оқими кучайишига сабаб бўлаяпти. Мана Тожикистонда наркобизнес кенг ва чуқур илдиз отиб бораётганидан далолат берувчи ва оммага ошкор бўлишга улгурган бир нечта мисол. Хатлон вилоятининг Ҳамадон туманида чегара қўшинлари бош бошқармаси "Хатлон" ҳудудий бошқармасининг икки ҳарбий хизматчиси 50 килограмм героинни сотаётганида қўлга олинди. Сўғд вилояти Зафаробод туманида 1,5 килограмм героинни пуллашга уринаётган жиноий қидирув ходими ушланди. Панжикент туманида бир гуруҳ чегарачилар 28 килограмм героинни транспортда олиб кетишаётганда тўхтатилиб, қўлларига кишан солинди.

**Константин ФИРСОВ. www.tajmigrant.com**

**САЛОМАТ БЎЛИНГ**

# ҚОРА ОҚСОҚ ХАВФИНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ДУРУСТ

**Бруцеллёз (қора сон, қора оқсоқ) касаллиги кўпгина мамлакатларда асосий зооноз инфекциялардан бири ҳисобланиб, иқтисодиётга зарар етказиши мумкин.**

Бруцеллёз касаллиги ҳайвонлардан одамларга ўтадиган юқумли касалликлар гуруҳига киради. Беморларнинг ҳарорати вақти-вақти билан кўтарилиб-пасайиб тургани боис айрим жойларда тўлқинсимон иситма касаллиги ҳам деб аталади.

Касалликни аниқлаш, унга қарши курашиш усуллари ишлаб чиқилганига қарамай, айни пайтда бутун дунё тиббиёти олдида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Унинг бир неча турлари маълум. Майда ва йирик ҳайвонларда, чўчқа, ит ва чўл бутазорларида яшовчи каламушларда касаллик келтириб чиқарувчи ҳамда кўчқорларда эпидидимит чақирувчи турлари шулар жумласидан. Бруцеллёз касаллиги кўзғатувчисининг исталган тури одам организмига тушиши мумкин бўлсада, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаёт учун бир хилда хавфли эмас.

Майда ва йирик ҳайвонлар, чўчқа, ит, мушук, туя, от, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар энг хавфли касаллик келтириб чиқарувчи ҳисобланади. Касаллик кўзғатувчилари одам организмига тушгандан сўнг то касаллик пайдо бўлгунга қадар орадан икки-уч ҳафта ўтади. Баъзи ҳолатларда яширин давр бир неча ойгача чўзилиши мумкин. Бу даврда организмнинг ҳимоя кучлари билан микроблар ўртасида кураш кетади. Агар ҳимоя кучлари ғолиб чиқса, организмда касаллик вужудга келмайди. Акс ҳолда микроблар кўпайиб, қонга ўтиши натижасида организмда касалликнинг клиник белгилари юзага келади.

Кўпинча даволашни кеч бошлаш туфайли касаллик сурункали ҳолатга ўтиб, йиллаб давом этиши мумкин. Касаллик туфайли шундай аъзолар зарарланадики, бунда одам узоқ вақтгача иш қобилиятини йўқотиб, умрининг охиригача ногирон бўлиб қолади.

Кўпинча касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши ва бош оғриғи билан бошланади. Кечқурун ҳарорат 39-40 даражагача кўтарилса, эрталаб 37-38 даражагача пасаяди.

Баъзан юқори ҳарорат бир неча кун сақланиб, кейин пасайиши кузатилса, маълум вақтдан сўнг яна кўтарилади. Бемор бўғимлари шишади, кучли оғриқ туфайли ҳаракат қийинлашади. Кўп ҳолатларда елка, бел, думғаза нервлари зарарланади. Бемор тез ҳолсизланади, инфекцияга қаршилиги пасаяди. Агар бемор касаллик қўшилса бемор оғирлашади.

Бруцеллёз касаллигини фақат шифокор ҳар томонлама чуқур текшириш ва кузатишларга асосланиб аниқлаши мумкин. Белгилари асаб, юрак-қон томир, нафас, ошқозон-ичак, сийдик-ажратув ва жинсий аъзолар, ҳаракат-таянч, мушак тизимларининг айрим касалликларида кузатиладиган бир қатор белгиларга ўхшаш бўлганлиги сабабли ташҳис қўйиш мураккаблашади, оқибатда касаллик сурункали шаклга ўтади.

Бундай беморларнинг тўлиқ соғайиб кетишига кафолат бериш қийин. Бемор ўз вақтида шифокорга мурожаат этиб, даволанмаса, касаллик турли асоратлар қолдириши мумкин.

Бруцеллёз юқори ҳароратга чидамсиз. Ҳарорат 55 даража бўлганда 1 соатда, 60 даражада 30 дақиқадан сўнг ва қайнатилганда тезда ўлади.

Бруцеллалар паст ҳароратга чидамли – 20 даражада 20 кун сақлана олади. Сутни зарарсизлантириш учун пастеризация қилинади – 70 даража ҳароратда 30 дақиқа ушланади. Касалланган ҳайвонларнинг гўшти яхшилаб пиширилганда инсон учун хавфсиз ҳолга келади. Касал ҳайвонларни туғдиришда қатнашган одамларнинг зарарланиш хавфи жуда юқори бўлади.

Бруцеллёз касаллигининг олдини олиш учун бир қатор чора-тадбирлар кўриш керак. Аввало, ҳайвонлар орасида қора оқсоқ инфекцияси ташувчиларини йўқотиш, касал ҳайвонлардан олинган маҳсулот ва хом ашёларни зарарсизлантириш талаб этилади. Касал ҳайвонлар боқилган жой, улар учун ишлатилган асбоб-ускуналарни зарарсизлантиришда учун турли дезинфекцияловчи моддалардан фойдаланилади. Бунинг учун 10-15 фоизли хлор-оҳак эритмаси, 2-3 фоизли хлорамин ва бошқа моддалар ишлатилади.

Қолаверса, касал ҳайвонларни соғломларидан ажратиб, уларни гўшт комбинатларига қайта ишловга топшириш керак. Ҳайвонларни боқадиган хизматчилар йилига камида икки марта тиббий текширувдан ўтиб, бруцеллёзга қарши эмланадилар. Зеро, беморни даволагандан кўра, касалликнинг олдини олган яхши.

**Умирбек МИРЗАЕВ, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази олий тоифали врач-эпидемиологи.**

**Пискент туманидаги 4-мактабда олим Адҳам Маматқуловнинг "Пискент тарихидан лавҳалар" номли китоби тақдимоти ўтказилди.**

# УЧ ТИЛДАГИ ТАҚДИМОТ

Тадбирга тарихчи, адабиётшунос олимлар, журналист ва ўқувчилар ташриф буюришди. 4-мактаб ўқувчилари китобдан парчалар ўқиш билан бирга уч тилдаги лавҳаларни йиғилганлар ҳукмига ҳавола қилишди.

Тақдимот сўнгида китоб асосида "Қадим юртнинг кўҳна бир Кенти" номли фильм намойиш этилди.

**Гўзал ҲАМИДОВА.**


**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарори мувофиқ, Тошкент вилояти прокуратурасининг 18.04.2011 йилдаги 195-сонли буйруғи ва 19.04.2011 йилдаги 27/73-сонли хатига асосан, Тошкент вилоят прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, "Ц" мавзе манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Нексия" русумли, д/р 10/703DAA бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 101 070 сўм. 2. "Нексия" русумли, д/р 11AA100 бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 447 384 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 27 май куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 27 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 2 июнь куни соат 10.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич бҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114. МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2009 ЙИЛ 4 ИЮЛДАГИ «ХУСУСИЙ ОПЕРАТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА ҲАҚ ТЎЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 186-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН**

**«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» OAJ ТАНЛОВДА**

# ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Танлов номи** – Қуйичирчиқ тумани истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказилишининг асосий шартлари:** танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторларни ташкил этиш ва ушбу операторларга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий оператор фаолият юритиш учун таклиф этилаётган ҳудуд:** Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Қуйичирчиқ туман электр таъминоти корхонаси.

**Танлов ташкилотчиси – "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ.**

**Инвесторларга қўйиладиган асосий талаблар:**

– инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

– танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:** Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

**Ариза беришнинг сўнгги муддати:**

– 2011 йил 31 май соат 18.00 гача.

**Танлов ўтказиш муддати – 2011 йил 1 июнь соат 10.00 да.**

**Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

– инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

– инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

– инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**

– танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

– тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

– танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;

– "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий аборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СКБ, МФО 00884, ИНН 201221748, ОКОНХ 11170.

**Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим:** Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ. Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин.

Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.


**Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.**

***«Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.***



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

БУГУННИНГ ГАПИ



**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экотизим мувозанатини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, техноген чиқиндиларни камайтириш каби масалаларнинг ечим топиши – инсон ҳаёти учун соғлом муҳитни таъминлайди.**

# ҲАВО СОФЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Автомобилдан фойдаланиш жараёнида саксондан ортиқ табиий ресурслар ва маҳсулотлар "истеъмол" қилиниб, улар ўрнига икки мингдан ортиқ турли хил зарарли ва заҳарли чиқиндилар чиқиши аниқланган. Улар орасида энг кўп ажралиб чиқадиган карбонат ангидрид гази атмосфера ҳавоси димиқишини тезлаштиради. Ис гази эса тирик организмларни заҳарлашдан ташқари ҳавонинг табиий мувозанатига таъсир қилади. Автомобиль моторининг цилиндри ичидаги ҳарорат 2000 даражадан ошганда ўта зарарли азот газлари ҳосил бўлади. Бир килограмм автомобиль ёнилғиси сарфланганида тўлиқ ёниши учун 15 килограмм ҳаво талаб қилинар экан.

Олим ва мутахассисларнинг ҳисоблашларига кўра, вилоятимизда рўйхатдан ўтган турли хил автомобилнинг ҳар бири кунига ўртача 12 килограмм ёнилғи сарфласа, йил давомида 76 миллион 272 минг 882 килограмм ёнилғини ёндириш учун қарийб 114 минг тонна кислород керак бўлади. Биргина автомобилнинг ўзи ҳаводаги кислороднинг 10-20 фоизини йўқотиши мумкин. Маълумки, биосферадаги кислород миқдори 16 фоизга тушиб қолса, экомувозанат бузилади, барча тирик организмлар ҳалок бўлади.

Автотранспорт ташлама газлари билан боғлиқ экологик муаммони ҳал этиш, зарарли ва заҳарли газлар миқдорини камайтириш, ҳавонинг ифлосланиши, "буғхона эффекти" ҳосил қилувчи, озон қатламини емирувчи моддаларни камайтириш мақсадида республикамиз ҳудудида 1996 йилдан буён икки босқичли "Тоза ҳаво" тадбири ўтказиб келинмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида ҳам Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси топшириғи ҳамда вилоят ҳокимининг 2011 йил 11 апрелдаги "Вилоятда Тоза ҳаво ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги фармойишига асосан, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамда вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 10 апрелидан 10 майига қадар "Тоза ҳаво" ойлигининг 1-босқичи ўтказилмоқда.

Вилоят ҳудудида жами 16 та махсус экологик мас-канлар ташкил этилган бўлиб, улардан 8 таси кўчмас ва 8 таси ҳаракатдаги постлардир. Тадбир давомида асосий эътибор "Тошкент – Олмалиқ", "Тошкент – Бекобод", "Тошкент – Чиноз", "Тошкент – Бўстонлиқ" автомобиль йўлларидаги транспорт воситаларининг текширувига қаратилган. Текширув давомида экоталаблар даражасига мос келмаган автотранспортлар тўхтатилиб, соз ҳолатга келтирилади. Тажрибаларга кўра ва амалда аниқланишича, автомобиль моторларининг газ алмашиниш жараёнидаги нуқсонлар бартараф этилса, ёнилғи сарфи 15 фоизга камаяди, қуввати эса 20 фоизга ошади.

Тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, техник кўрик чоғида экологик носозликлар аниқланган тақдирда автомобилларни бир йўла созлаш ва таъмирлаш ишлари ташкил этилади. Шундай экан, вилоятимиздаги барча автотранспорт корхоналари ва шахсий автомобиль эгаларини, шунингдек, малакали муҳандис, техник ходим ва мутахассисларни "Тоза ҳаво" тадбирида фаол иштирок этишга ва шу тариқа атмосфера мусаффолигини сақлашга ўз ҳиссаларини қўшишга чорлаймиз.

**Хайрулла АЗИМҚУЛОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.**



ТАДБИР

# БИЗНИ ЕР БОҚАДИ

**Ҳар йили 22 апрелда жаҳонда Ер куни кенг нишонланади. Ушбу сана вилоятимизнинг Ангрен шаҳрида ҳам республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбеккўмир" очиқ акционерлик жамияти, "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ҳамда "Чинор" экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида кенг нишонланди.**

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер ва ер ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланишни таъминлашдир. Сўнгги йилларда қабул қилинган "Ер кодекси", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қатор ҳукумат қарорлари ердан фойдаланишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Конституциянинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир" деб белгилаб қўйилган.

Ўтган давр мобайнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида давлат дастурларига асосан мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкциялаш, тиклаш ва таъмирлаш, соҳага оид техник ускуналарни сотиб олишга етарли маблағ ажратилди. Натижада, 240 минг гектар ернинг сув билан таъминланиши яхшиланди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир давомида шаҳардаги қайта культивация қилинган ерларга медиа-тур уюштирилди. Қатнашчилар Ангрен кўмир ҳавзасига ташриф буюришди. Шунингдек, улар кўчатлар экиш бўйича экологик акцияда иштирок этишди. Қолаверса, Ангрен табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари маъруза ўқидилар.

Тадбир сўнгида "Ўзбекистон экологик электрон кутубхонаси" биринчи нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Табиат ва инсон
*Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси*

# ЖИМИТ МИЯДА МЎЛ АҚЛ

**Хориж матбуотида чоп этилган бир мақолада ёзилишича, асаларичиларнинг ақли йирик ҳайвонларникидан қолишмас экан. Кембриж ва Қиролича Мари номидаги Лондон университети олимлари тадқиқотлар давомида шундай хулосага келишди.**

Маълумот ўрнида айтиш керакки, болари мияси бор-йўғи 1 куб миллиметрга тенг. Ундаги кўриш бўлаги ранг, ҳаракат йўналиши, маълум чегараларни аниқлашга ёрдам беради. Миянинг бир қисми ўрганиш ва хотирага хизмат қилса, яна бир тарафи механик таъсирларни қабул қилувчи нейронлардан иборат.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, асаларида асаб ҳужайралари жуда кам бўлиб, 1 миллионга етади.

– Ҳайвон мияси қанчалик катта бўлса, у шунчалик ақлли дегани эмас, – дейди тадқиқотчи Ларс Читтка. – Биз болари асаб толалари анатомияси ва физиологиясини ўрганиб, шунга амин бўлдик. Мия қобилиятлари тўқималар сонидан кўпроқ бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида такомиллашиб боради. Асалари эса йирик ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, мияси ва ундаги камсонли ҳужайраларидан унумли фойдаланишга интилади.

Олимларнинг фикрига кўра, мазкур ҳашарот мураккаб ҳаракатларни амалга ошириш учун атиги юздан ортиқ ҳужайра тўқималарини ишга солади. Шунга қарамай, улар санаш ва одамларни юзидан таниб олиш қобилиятига эга экан. Керакли манзилни топиб бора блиши, хавф-хатарга ўз вақтида чап бериши асаларининг ўзига хос хусусиятидир.

ҚИЗИЛ КИТОБ САҲИФАЛАРИДА

# ҚИРДА ЯЙРАР АЛВОН ҚИРОЛЛАР



**Мамлакатимиз флорасида 4 мингдан зиёд ўсимлик тури мавжуд. Шулар ичида лоладошлар оиласининг ноёб вакилларидан 24 тури йўқолиб кетиш арафасида бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"га киритилган.**

Лола аввало Тянь-Шань тоғ тизмаларида тарқалган. Лолага "табиат қироли" дея таъриф берилади. Дарҳақиқат, унинг мафтункорлиги доимо олимлару шоирларни ўзига жалб қилган. Алишер Навоий "Хамса"сида ҳам бу ажойиб гулга бағишланган мисралар мавжуд.

Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган, денгиз сатҳидан 1600-2000 метр баландликдаги Оҳангарон туманида Введенский лоласи кўпроқ тарқалган бўлиб, у "Қизил китоб"га киритилган. Бу лоланинг бўйи 10-20 сантиметр, гуллари қизил ёки сарғиш рангли, тоғ ён бағрида, текисликларда апрель-май ойида, тоғнинг тепа чўққиларида эса июнь-июль бошларида гуллайди. Улар уруғ ва пиёздан кўпайиб, якка ҳолда ўсади.

Табиий ҳолда ўсган лолаларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб кенг майдонлардан чорва яйлови сифатида режасиз фойдаланишдир. Қолаверса, лолаларнинг пиёзи билан териб олиниши ҳам унинг батамом йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз ҳудудидаги ўсимликларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича қатор қарор, фармойишлар қабул қилган. Шунингдек, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларда "Қизил китоб"га киритилган ва камёб ўсимликларни ноқонуний териш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, қонунбузарларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилиши, шунингдек, ўсимлик дунёсига етказилган зарарни суд-ҳуқуқ ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан тўлиқ ундириб олиниши кўзда тутилган.

**А. ЙЎЛБАРСОВ,**
**Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.**

ТАБОБАТ

# БАДМАСТЛИК КУШАНДАСИ

Ўсимликлар – она-табиатнинг доимий йўлдоши, унга кўрк ва чирой бағишлаш билан бирга, атмосфера ҳавоси софлигини сақлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Қолаверса, шундай ўсимликлар борки, халқ табобатида кенг фойдаланилади. Улар ўзларининг табиий таркиби, турли зарарли кимёвий моддалардан ҳолилиги билан ажралиб туради.

Асл ватани Хитой бўлган Ховения дулицисни ҳам шифобахш дарахт дейиш мумкин. Унинг бўйи 20 метргача етади, шохлари ўзига хос ёйиқ кўринишга эга. Барглари ялтироқ, гуллари кўкимтир рангда. Дарахтнинг мевалари мунчоқдек тизилиб туради. Ҳосил етилиши даврида мевабанд таркибидаги крахмал мазали қандга айланади.

Ширин таъмли бу мева астма, кўкйўтал касалликларини даволашда катта ёрдам беради. Унинг яна бир хусусияти – спиртли ичимликдан маст бўлган киши истеъмол қилса, ҳушёр тортади.

Ховения дулицис Ҳиндистон, Бангладеш, Корея яриморoли ва Японияда табиий ҳолда ўсаётган бўлса, Жанубий Америка ва Жазоирда маданий ҳолда етиштирилмоқда. Айтишларича, унинг ҳар гектаридан 4 тоннагача тайёр маҳсулот олиш мумкин экан.

**Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги "Экобоғ" ташкил этилди.**

# АНЪАНАВИЙ ЭКОБОҒ

Боғ Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва "ECOLOGIC BIO UTIL SYSTEM" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳамкорлигида яратилди.

Боғ мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири – Бўстонлиқ туманидаги дам олиш масканига борувчи катта йўл ёқасидаги ташландиқ бўлиб ётган ерда барпо қилингани билан аҳамиятлидир. Бу майдонга ҳашар йўли билан олхўри, ўрик, олма каби мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**"Туркистон-пресс".**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 27 апрель куни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.


Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**ЎзА.**

ДАРВОҚЕ

# КЎРНАМАКЛИКНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН

Сафарбой қоқ туш пайти эски ферма ёнидаги каналлар бўйига отланди. У ерда каналлардан ҳосил бўлган каттагина кўл бор. Атрофни кўздан кечирар-кан, "бу ерда балиқ мўл бўлади" дея хаёлидан ўтказди. Энди иш бошлайман деб турганида қўшниси Раҳмат амаки кўринди.



– Ҳой болам, бу ишинг бекор. Балиқларни электр қуввати билан ўлдириш яхшими? Ахир увол бўладику, майда-йириги қолмай, қурбақагача қирилиб кетади-я, – деб куюнди чол.

– Нима ишингиз бор-а, сизга тегаяпманми, – деб ўдағайлади Сафарбой. – Тавба одамларга ҳам ҳайронман, нуқул бировларнинг ишига бош суқишади.

Сафарбой қопдан сим ўрамини олдида, бир учини таёққа илиб, ўн қадамча нарида турган симёғочга тирмашди. Амаллаб электр симларининг бирига симни улади. Иккинчи учини эса узун ёғочга ўрадида, сувга ташламоқчи бўлиб турганида, оёғи тойиб, сувга йиқилди...

Ҳа, орамизда ўз манфаатлари йўлида ҳеч бир ишдан қайтмайдиганлар ҳам топилади. Сафарбой бу кўлга оиласи, фарзандлари учун балиқ овлашга келмаган эди. У балиқларни бозорда сотиб, осон пул топишни кўзлаганди...

Афсуски, киши дилини хира қилувчи бу каби ҳунук воқеалардан тўғри хулоса чиқармаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар йўл четидаги симёғочлардан фойдаланиш учун узундан-узун симларни кўтариб юришмайди. Энди юзлаб балиқларни овлаш мақсадида машина аккумуляторини ишга солишмоқда. Натижада, балиқлар қирилиб, кўпайишга улгурмаяпти.

Мамлакатимизда табиат, ундаги ўсимлик ва ҳайвонлар муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда айримларнинг бу қилмишларидан нафратланмай илож йўқ. Туманимизда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ҳуқуқбузарлар тегишли тартибда жазоланмоқда.

Қолаверса, балиқ турларини кўпайтириш мақсадида туманимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё ва Чирчиқ дарёларига ва каналларга "Балиқчи" очиқ акциядорлик жамияти 33 тоннадан зиёд оқ дўнгпешона, 1 тонна оқ амур, 50 килограммдан ортиқ карп балиғи чавоқларини ташлади. Бу каби саъй-ҳаракатлар табиат жонзотларини янада кўпайишига хизмат қилмоқда.

**Обид СЎФИХОНОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани.**

РАССОМ ХАНДАСИ




АЖАБО...



## НА ИЛДИЗИ, НА ПОЯСИ, НА БАРГИ БОР

1818 йилда Суматра оролида тадқиқот олиб бораётган бир гуруҳ олимлар антиқа гулга дуч келишди. Унинг на илдизи, на пояси, на барги бор эди. Раффмзия дея номланган ушбу ажойиб гул бошқа ўсимликларнинг пўстлоғи орасига сўрғичлари ёрдамида кириб олиб, унинг ширасидан ҳисобига яшар экан. Раффмзиянинг диаметри 1 метр, оғирлиги эса 6 килограмм. Олимлар фикрига кўра, у дунёдаги энг йирик гул экан.

## ҚИРҚ ШАРШАРА

Шимолий Американинг Йеллоустоун миллий парки шаршаралар макони дея эътироф этилган. У ерда 40 дан ортиқ шаршара бор. Уларнинг ичида энг баланд ва ҳайратланарлиси Йеллоустоун Қуйи шаршарасидир. Баландлиги 94 метр бўлган шаршара Ниагара шаршарасидан икки баравар баланд.

Маълумотларга кўра, бу гўша 1960 йилдан бошлаб сайёҳлар билан гавжум. У ерга ҳар йили 3 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради.





## ОДАМ ЯШАГАН САҲРО

Австралия қитъасидаги Пиннакли чўли ўзининг антиқа манзараси билан доимо сайёҳлар диққатини тортади. Саҳро катта-катта оҳактошли устунлар билан қопланган.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, 6 минг йил аввал бу жойда одамлар яшаган.

Сариқ қумдан кўкка бўй чўзган улкан оҳактошларнинг баландлиги 3,5 метрга етади. Бироқ, сирли Пиннакли вақти-вақти билан ўз қояларини қум остига яширади.

## ИЛҒАБ БЎЛМАС БАРГЛАР

Африкада ўсадиган Вельвигия энг узоқ яшайдиган ўсимлик ҳисобланади. Унинг тасмасимон барглари 100 йилгача ўз кўринишини ўзгартирмас экан. Вельвигия баргининг узунлиги 2-4, эни эса 1 метрга етади. Баргнинг ҳар бир квадрат сантиметрида 22 мингта кичик барглар бўлиб, уларни кўз билан илғаб бўлмайди.



**Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Ирода НОРБОЕВА тайёрлади.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг
Тел.: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ИФТИХОР

# ЖАҲОН МАТБУОТИДА ЁШЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ




**Бу йил мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Гарчи 20 йил тарих учун бир кўз очиб-юмганчалик бўлсада, шу давр ичида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида асрга татигулик ютуқлар қўлга киритилди. Энг муҳими, бир пайтлар ҳатто "Ўзбекистон" деган номни эшитса, елка қисадиган дунё аҳли энди давлатимиз билан ҳисоблашадиган бўлди. Бир пайтлар собиқ иттифоқ учун фақат пахта етиштириб берувчи хом ашё базаси сифатида қаралган бўлса, ҳозир деярли барча соҳаларда Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари билан баҳслаша олиш даражасига етди.**

Биргина спортни олсак, юртимиз вакиллари жаҳон спорт майдонларида ўтаётган нуфузли спорт мусобақаларида мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда, Ўзбекистонни дунёга танитишмоқда. Буларнинг ҳаммаси, албатта, мустақиллик шарофатидан.

Яқинда дунё бўйлаб кўп миллион нусхада тарқаладиган NEW YORK TIMESнинг халқаро нашри – International Herald Tribune газетасининг 17 апрель сонида қизиқ бир мақолага кўзим тушиб қолди. Уни ўқиб чиқдим-у, ўзбеклигимдан, Ўзбекистон фуқароси эканимдан кўнглим ғурурга тўлди. Газетанинг 11-саҳифасида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Вишванатан Ананднинг яқинда Ўзбекистонда ўтказган ўйинлари таҳлил этилиб, ўзбек шахматчиларининг ақлий салоҳиятига таҳсин ўқилади. "Жаҳонга машҳур шахматчиларни ҳисобга олмаганда, камдан-кам одам жаҳон чемпиони билан дона суриш имкониятига эга бўлади" деб ёзади мақола муаллифи Дилан Лоэб Макклейн. Фақат бир вақтнинг ўзида 20 ёки 30 киши билан ўйналадиган шахмат беллашувлари бундан мустасно. Бундай ўйинлар, ҳатто, тажрибали шахматчиларни ҳам бироз чўчитади.

Ҳозирги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида бир неча шахматчи билан ўтказган охирги ўйини пайтида икки бор ютқазиб қўйганидан, айниқса, 11 яшар болага ўйинни бой берганидан бироз шок ҳолатига тушган бўлса керак, дея давом этади муаллиф.


Бу Ананднинг Рустам Қосимжонов билан ўтказган тезкор матчидан кейин юз берди. Бир вақтда ўтказилган ўйинда Ананд ўзбекистонлик 20 (шулардан 7 нафари спорт устаси) истеъдодли шахматчи билан беллашди. Натижаларга кўра, Ананд 12 ўйинни ютиб, 6 тасини дуранг қилди ва 2 тасини ютқазди. Анандни биринчи бўлиб, Ўзбекистон аёллар миллий шахмат жамоаси аъзоси Ҳулкар Тоҳиржонова мағлубиятга учратди.

Иккинчи мағлубияти эса 11 ёшли Темур Игонин билан ўйинда юз берди. Бу ўйиннинг эътиборга лойиқ жиҳати – Ананд хавфсиз бўлган Qd2 юришни ўрнига 21C5 ни ўйнаб хавфни назарга илмаганини ҳисобга олмаганда қўпол хатога йўл қўймади. Игонин эса усталик билан Анандга қарши ҳужум уюштириб, унинг шоҳини тўрга туширди, деб ёзади муаллиф. У дунёга машҳур, мағлубият аламини деярли тортмаган шахматчининг ўзбекистонлик 11 ёшли шахматчидан енгилганидан ҳайратини яширмайди.

Аслида бу ғайритабиий ҳол эмас. Бизнинг авлодларимиз ўз ақл-заковати ва билимлари билан дунё аҳлига намуна бўлишган. Шундай экан шахматчиларимизнинг ютуғини давлатимиз раҳбарининг баркамол авлодни вояга етказиш, буюк келажагимизни таъминлаш учун узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати самараси десак, хато бўлмас. Жаҳон матбуоти ҳам ютуқларимизни эътироф этаяптими, ўн бир ёшли фарзандлар жаҳон тан олган чемпионларни мот қила олаяптими, демак Ўзбекистоннинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк.

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ҲАМКАСБИМИЗ ХОТИРАСИ



Шафқатсиз ўлим иқтидорли ижодкор, салоҳиятли таржимон Соат Фиёсович Мусаевни орамиздан олиб кетди.

Соат Мусаев 1937 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугатгач, Ўрта Осиё Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиди. У "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририятининг ахборот ва спорт бўлимида иш бошлади. Пухта билим, салоҳиятли устозлар маслаҳати тиним билмас ёш журналистни катта ижод йўлига олиб чиқди. Соат ака ҳар доим теша тегмаган мавзулар, иборалар, қиёслар изларди, ижтимоий аҳамиятга молик янгиликларни дарҳол газета саҳифасига олиб чиқишга интиларди. Спорт, ҳарбий-ватанпарварлик, табиат муҳофазаси мавзулари унинг ташаббуси билан турли жанр ва кўринишларда кенг ёритиларди.

Ижодий жамоада Соат Мусаев одамшаванда, ҳаётни севувчи, ҳамкасбларига меҳрибон инсон сифатида танилди. Жамоатчи муаллифлар, олимлар, шоиру ёзувчилар ҳам у кишининг шу хислатларини ниҳоятда қадрлашарди.

Соат Мусаев серқирра ижодкор, ташаббускор раҳбар эди. Унинг бу фазилатлари "Тошкент ҳақиқати" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб ишлаган йиллари айниқса ёрқин намоён бўлди. У бу вазифада то пенсияга чиққунича ишлаб, ўнлаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Биринчилар қаторида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвонига эришди.

Иқтидорли журналист, моҳир таржимон Соат Мусаев мустақиллик йилларида "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриётининг фалсафа ва ҳуқуқ таҳририятини бошқарди. У янги мазмун, янги шаклдаги миллий энциклопедиянинг яратилишига муносиб ҳисса қўшди.

Ажойиб дўст, меҳрибон ҳамкасб, талабчан раҳбар Соат Мусаевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

**«Тошкент ҳақиқати» жамоаси.**

ФУТБОЛ



# КУБОК ВИЛОЯТДА ҚОЛДИ

**Мана бир неча йилдирки, вилоят футбол федерацияси ташаббуси билан собиқ "Пахтакор"чи вилоятдошларимиз – Олим Аширов, Владимир Фёдоров ва Михаил Ан хотираси учун халқаро турнир ўтказиб келинмоқда. Қуйичирчиқ туманида ўтказилган 23-анъанавий турнирда 23 та жамоа 4 гуруҳга бўлинган ҳолда ярим финал босқичига чиқиш учун мусобақалашди.**

Ўз гуруҳида ҳужумкор ўйин намойиш этиб, энг кўп очко тўплаган тўрт жамоа – Бекободнинг "Металлург", Алматининг "Қайрат", Сирдарёнинг "Янгиер" ҳамда вилоят ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактаби (СДЮШОР) футболчилари эсдалик кубоги учун ярим финал босқичида курашни давом эттирдилар. "Металлург" ва СДЮШОР жамоалари ўртасидаги ярим финал баҳси анча муросасиз ва шиддатли кечиб, голларга ҳам бой бўлди – 3:4. Иккинчи ярим финал жуфтлигида "Янгиер" жамоаси қозоғистонлик рақибларини 1:0 ҳисобида енгиб, финалга чиқди.

Учинчи ўрин учун курашда "Металлург" Алматининг "Қайрат" жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Вилоятимизнинг иккинчи вакили – олимпия захиралари мактаби жамоаси финалда "Янгиер"дан кичик – 1:0 ҳисобида устун келиб, турнир ғолиби бўлди.

Совринли ўринларни эгаллаган жамоалар ва энг яхши футболчилар деб эътироф этилган дарвозабон, ҳимоячи ва ҳужумчилар эсдалик кубоги, диплом ва совғалар билан рағбатлантирилди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

**СУРАТЛАРДА:** мусобақа қизиқарли ўтди.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

КЎРГАЗМА

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

**"Тасвирий санъати+5" ҳафталигида Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, республика рассомлик ва дизайн коллежлари, қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари устозлари, талаба ва ўқувчилари, моҳир мусаввир, ҳайкалтарош ва халқ амалий санъати усталари ижодий ишлари билан қатнашдилар.**



Ижодий ишлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар заллари ва унинг атрофидаги кўча ва майдонлар, тарихий-меъморий мажмуалар, боғларда ҳам намойиш этилди.

"Тасвирий санъат+5" ҳафталиги доирасида "Меҳринг билан яшайман, Ватан" деб номланган тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва санъатшунослик йўналишидаги етук намойндаларнинг ижод намуналари билан ёнма-ён талабалар ишлари ўрин олган кўргазма ҳам бўлиб ўтди. Кўргазмага қўйилган асарларда миллий-маданий меросимиз, меъморий ёдгорликлар, урф-одатларимиз, тураржойларимизнинг турли даврлардаги кўринишлари, юртимиздаги йил фасллари, ризқ-рўзимиз, натюрмортлар, турмуш тарзимизнинг турли кўринишлари, Тошкент вилоятининг Сўқоқ, Хумсон ва Оқтош қишлоқлари ёзининг гўзал манзаралари акс этган.

Ҳафталик давомида уюштирилган санъатшунослар давра суҳбатлари, санъат асарлари юзасидан ижодкорлар билан замонавий санъатнинг долзарб муаммолари ҳақидаги мулоқотлар фойдали фикрларга бой бўлди.

Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган бўлиб, намойишга қўйилган ижодий ишлар, давра суҳбатларида билдирилган фикрлар, ижодкорлар билан мулоқотлар, тўпланган тажрибалар, эришилган ютуқларда ўзига хос янгича тамойилларни, миллий-маданий қадриятларимиз ва тарихимизга эътиборни кўрамиз.

Ҳафталик якунида "Тасвирий санъат+5"нинг фаол иштирокчилари ва энг яхши ижодий ишлар муаллифлари соврин ва дипломлар, бронза, кумуш, олтин медаллар билан тақдирландилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

АКС-САДО

# «500 ДОЛЛАРГА СОТАМАН»НИ ЎҚИБ...

**"Тошкент ҳақиқати" вилоятимизнинг кўзгуси сифатида қадрдон нашрларимдан бири бўлиб қолган. Ҳар чоршанба, шанба кунлари уни қўлга олиб, бир бошдан ўқиб чиқмасам кўнглим тинчимайди.**

Аввало, раҳбарлик масъулияти, қолаверса, кундалик иш фаолиятимда асқотадиган зарур маълумотлар, "Маънавият", "Одамийлик шеваси", "Ҳаёт сабоқлари"-ю, "Чет эл хабарлари", "Инсон ва қонун", "Жиноятга жазо муқаррар", "Одам савдоси" рукнлари остидаги гоҳ қувончли, гоҳо ўкинчли, аянчли тақдирлар кишини сергаклик, ҳушёрлик, огоҳликка даъват этаётгандек бўлади. Айниқса, шу куннинг долзарб муаммоларидан бири одам савдоси барчани ташвишга солаётгани бор гап. Газетанинг деярли ҳар сонида берилаётган шу мавзудаги мақолаларни қизиқиш билан ўқиб бораман. Ўз невараси, яъни фарзандидан қолган ёдгори Каринани 500 долларга сотмоқчи бўлган бобонинг шафқатсизлиги газетхонни чуқур ҳаяжонга солади, ғазаб ва нафрат уйғотади. Тўғри, "сабабсиз оқибат бўлмайди" деб бежиз айтилмаган. Ўз қизига тўғри тарбия беролмаган ота неварасининг тақдирига ачинармиди?

Иллатнинг илдизи, сўзсиз оилага бориб тақалади. Жамиятнинг бир бўғини сифатида алоҳида эътибор қаратилаётган оилаларнинг маънавий соғломлиги бундай иллатларнинг илдиз отишига йўл қўймайди. Шу маънода қилмишига яраша жазо олган, ўз жигарбанди, 2 ёшли неварасини сотаётган пайтда қўлга олинган А. Штефаннинг тақдири бошқаларга ибрат бўлиши шубҳасиз.

**Шоира АБДУРАҲМОНОВА, Бекобод шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# КЎНГИЛ ЙЎРИҒИ ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати иқтисодиётда алоҳида ўринга эга. Барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли учун янги иш ўринларини яратишда унинг аҳамияти катта. Шу сабабли бу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Солиқ фоизлари йилдан-йилга камайтириб борилиб, бошқа имтиёзлар муттасил кенгайтириляпти. Чунончи, солиқ 2005 йилги 13 фоиздан 2010 да 7 фоизга, 2011 йилда эса 6 фоизга туширилгани давлатимиз бизнесни ривожлантиришга қаратаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Бироқ, афсуски, бундай имконият ва имтиёзларни суиистеъмол қилиш, қонунларни четлаб ўтишга уринаётган шахслар ҳамон учраб турибди. Баъзилар енгил йўл билан пул топиш иштиёқида қонунларни менсимай қўймоқда. Лекин халқимизда қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган нақл бор.

Икки фарзандининг келажагини ўйламаган Зоҳир Умуров шундай шахс бўлиб чиқди, жиноятга қўл урди. Фарзандларини ҳалол луқма билан вояга етказиш ниятида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Зоҳир Умуров бироз "тажриба" орттиргач, кўнгли бошқа кўчаларга талпиниб қолди. Оқибатда катта хатога йўл қўйди.

Гап шундаки, Зангиота туманидаги "Илм Шўъласи" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида канцелярия дўконини ижарага олиб савдо қилаётган бу тадбиркор олди-сотдининг ҳадисини олгач, "майда-чуйда" ҳолатларда қонун талабларига риоя қилмай қўйди. Шунда тегишли идоралар уни огоҳлантирди, тартибга чақирди. Дастлаб маъмурий жавобгарликка тортиб, энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида жарима солишди. Бироқ, тадбиркор тушмагур бундан тегишли хулоса чиқариш ўрнига қуюшқондан чиқа бошлагач, навбатдаги текширув жараёнида бошқа бир қатор айблари фош этилди.

Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар жараёнида З. Умуровга тегишли дўконда 47 турдаги сифати ва ишлаб чиқариш белгисини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган жами 1.358.050 сўмлик маҳсулотлар борлиги аниқланди. 2010 йил 18 май куни назорат тартибида ўтказилган навбатдаги текширувда яна 50 турдаги нархи 2.355.250 сўмлик маҳсулотлар ҳужжатларсиз ҳамда сифати ва ишлаб чиқариш белгисини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган жами 4.023.300 сўмлик канцелярия моллари савдога қўйилганлиги маълум бўлди.

Унинг қилмишлари шу тариқа ошкор бўлиб, "Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида"ги, "Накд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларни бузганлиги учун жиноят иши қўзғатилди.

Лекин одил суд унга яна имконият берди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан амнистияга илиниб, жазодан осонликча қутулиб қолди. Агар шу имкониятдан фойдаланиб, савдосотиқ ишида қонун талабларига амал қилишга ўтса – бир нав. Ўрганган кўнгил йўриғига юриб, яна эгри кўчалардан чиқа олмаса... Нима бўлишини келажак кўрсатади.

**Зулфия ҲУСАНОВА.**


"OMAD FARM" масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 21.12.2009 йилда № 003811-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301410749) "MEDIOFARM PLAST" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

СП ООО "ALBA PEN", зарегистрированное Ташкентским областным управлением юстиции, расположенное по адресу: Зангиатинский р-н, ул. Ахунбабаева, 28 (ИНН 204589287), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 26.04.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 485-81-39.

"FAVORIT DESIGN" хусусий корхонаси Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 24.08.2009 йилда № 003521-09 рақам билан рўйхатдан ўтган, юридик манзили: Тошкент шаҳри, С: Дарбоза, А. Холиков кўчаси, 41-уй, (ИНН 301298997) **ТУГАТИЛАДИ** (2011 йил 1 апрелдаги № 6-сонли директор буйруғи).

Шикоятлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Учтепа тумани ДСИ томонидан 27.10.2010 йилда гувоҳнома рақами № 1004624 билан рўйхатга олинган (ИНН 447960835) якка тартибдаги тадбиркор Икрамов Омонжон Сабирджановичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные кадастровые документы ООО "NEFT MAHSULOT PLYUS" регистрационный № 4-202/2011 от 15.04.2011г. на нежилое помещение, расположенное по адресу: Хамзинский р-н, ул. Курувчилар, 7-А,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Утерянную круглую печать, выданную ООО "NEFT MAHSULOT BIZNES" Мирабадского района (ИНН 301822320),

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "SADL", зарегистрированное отд. гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента. расположенное по адресу: 2 Катартал, дом 1, (ИНН 203407798) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 26.04.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 217-15-03.

Тошкент шаҳри, Олмазор туман ҳокимияти томонидан 2010 йилда 0510770 рақам билан рўйхатдан ўтган ЧП Ташмедов Фаррух Тохирович номига берилган № 05-08836 рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Негосударственное образовательное учреждение "US MARKAZI", рег. № 11-000460 от 21.10.2010г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Братислава, дом 11, (ИНН 204140395, ОКПО 18658007) сообщает о реорганизации в общество с ограниченной ответственностью "US MARKAZI".

Претензии принимаются в течение одного месяца. Тел.: 155-60-07.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2010 йил 20 апрелда № 005645-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BUD`TE ZDOROVI" ХК номига берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"FARANGIZ XNS XNF" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 7.978.075 сўмдан 2.500.000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Тел.: 302-67-12.

"TALABA-TAOM" хусусий фирмаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан 18.02.2010 йилда № 0001850 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 473041953) якка тартибдаги тадбиркор Исаматов Шуҳрат Искандеровичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 11 августда № 004483-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301677819) "SAIDNOSIR SERVIS" хусусий корхонаси мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

"MUSLIMA-FARM" масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 15.09.2010 йилда № 003958-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 205921729) "HALOL OMAD" масъулияти чекланган жамиятининг корхона номи "UCHTEPA SUV QURILISH" масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Частное предприятие "TOSHKENT O`RDASI" (ИНН 301630687) Юнусабадского района сообщает о преобразовании формы собственности в общество с ограниченной ответственностью.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси таниқли журналист ва истеъдодли шоир

**Малик ЭГАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ**
Навбатчи
**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**
Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 12821. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 12.